




А. САТЛИҚОВ

ХОРАЗМ ИРРИГАЦИЯСИНИНГ РАВНАҚИ



„ЭКОНОМИКА“ серияси




№ 1



631/6
С-33

А. САТЛИҚОВ,
тарих фанлари кандидати

ХОРАЗМ
ИРРИГАЦИЯСИНИНГ
РАВНАҚИ



ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1980

С 33 Сатлиқов А.

Хоразм ирригациясининг равнақи.— Т.: Ўзбекистон, 1980.—32 б.—(ЎзССР «Билим» жамияти).

Китобчада сугориладиган деҳқончилик шароитида ирригациянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишда ўйнайдиган роли Хоразм области мисолида ёритилган. Муаллиф Коммунистик партия ва ҳукуматимизнинг ирригация хўжалигининг янада ривожлантириш тўғрисида кўрсатаётган гамхўрлигини, ирригация ва мелиорация соҳасида эрчишилган ютуқлар область қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик тараққиётига қанчалик самарали таъсир кўрсатаётганлигини конкрет фактлар асосида таҳлил этган.

Китобча қишлоқ хўжалиги мутахассисларига, ирригация ва мелиорация масалалари билан қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Сатликов А. Развитие ирригации в Хорезме.

ББК 40.62
631.6

№ 13—80
Навой номли ЎзССР
Давлат кутубхонаси.

С $\frac{10604-15}{М 351 [04] 80}$ 51—80

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1980 й.

КИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми совет халқи ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлди. Июль Пленуми мамлакат қишлоқ хўжалигини янада тараққий қилдиришнинг янги тарихий босқичини бошлаб берди. Пленумда партиянинг ленинча аграр сиёсати ижодий ривожлантирилди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини жадал юксалтириш, унинг самарадорлигини янада оширишнинг ғоят кенг, улугвор программаси ишлаб чиқилди. Пленумда ирригация ва мелиорация масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу бежиз эмас. Зотан ирригация ва мелиорацияни жадал ривожлантириш ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришнинг энг муҳим омилларидандир. Бу тадбирлар туфайли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши янада барқарор бўлиб қолади, ҳосилнинг ва чорвачилик маҳсулдорлигининг муттасил ошиб бориши таъминланади. «Ерларни мелиорация қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг кенг программаси ва шу асосда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш,— деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев,— коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир»¹.

Ирригация ва мелиорация сизот сувлар ер юзасига яқин жойлашган районларда, хусусан Хоразм областида экинлардан барқарор юқори ҳосил олишнинг гаровидир. Ирригация ва мелиорация айниқса пахтачиликни юксалтиришда ғоят муҳим роль ўйнайди. КПСС Марказий

¹ Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 1-том, 475-бет.

Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика Компартияси Марказий Комитетининг X Пленумида бу ҳақда бундай деган эди: «Ерларни кенг кўламда мелиорациялаш, комплекс механизациялаш, химиялаш ва деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан ошириш, фан ва илғор тажрибанинг энг янги ютуқларини жорий этиш — пахтачиликни аввалдагидек бундан буён ҳам муттасил юксалтиришнинг асосий йўналиши, интенсивлашнинг энг қудратли омиллари бўлиб қолаверади»¹.

Шу боисдан ҳам Хоразм областида ирригация ва мелиорация ишларини кенг миқёсда авж олдиришга катта эътибор берилмоқда. Жаҳон пахтачилигининг энг шимолӣ зоналаридан бири ҳисобланган Хоразм воҳасининг табиӣ иқлим шароити ўзига хос хусусиятларга эга. Воҳада ёз ниҳоятда иссиқ келади, қиш қаттиқ совуқ, кўклам бошқа жойларга нисбатан совуқ бўлиб, анча кечроқ бошланади. Ери бўз тупроқ, асосан дарё ётқизиқларидан ташкил топган бўлиб, деҳқончилик учун қулай, серунум.

Кучли даражада минералланган сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли суғориладиган экинзорларнинг ҳаммаси қайта шўрланишга мойил. Бинобарин, областнинг барча суғориладиган ерларида бир неча бор шўр ювмасдан деҳқончилик қилиб бўлмайди. Каналлар ва коллектор-зовур шохобчаларининг нормал ишлаши учун уларни ҳар йили лойқа-чўкиндиларидан мунтазам тозалаб туриш лозим. Шунинг учун ҳам Хоразм шароитида суғориш ва мелиорациялаш жуда катта машаққатли меҳнатни, кўп маблағ сарфлашни талаб этади.

Хоразм ирригацияси ўз тараққиётида катта тарихий йўлни босиб ўтди. Унинг чинакам тарихи фақат Совет ҳокимияти йилларидан бошланди. Хоразм воҳасига, шунингдек қўшни қардош Тошовуз области ва ҚҚАССР хўжаликлариغا сув элтувчи — Тошсоқа, Полвон-Ғазовот, Шовот, Қиличбой каби ўнлаб йирик каналлар, ноёб гидротехника иншоотлари Советлар замонасида барпо этилди. Бу эса шу зонада суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини берди.

Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг март

¹ «Совет Ўзбекистони», 1978 йил 26 июль.

(1965 й.) ва май (1966 й.) Пленумларидан кейинги ўтган давр Хоразм ирригацияси тараққиётида муҳим босқич бўлди. Шу йилларда Амударёдан сув олиш, суғориш системаларини қайта қуриш ва реконструкциялаш борасида катта ишлар қилинди, ишлаб турган каналларнинг сув ўтказиш қобилияти оширилди. Республикада энг йирик магистрал коллекторлар Катта-кўл, Дарёлиқ, Ғазовот-Довдон коллекторлари қурилди ва ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Фақат сўнгги 20 йил мобайнида областда ирригация ва мелиорация тармоқлари 6 минг километрга ўзайди. Янги ерларни ўзлаштириш ишлари жадал олиб бориляпти. Ҳозир мамлакатда энг йирик Туямўйин гидроузели қурилиши охишлаб қолди. Бу ноёб иншоот воҳада сув таъминотини яхшилабгина қолмай, балки жуда кўп қўриқ ерларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Кейинги йилларда Хоразмда даштлар, қумлик ва чўлларни ўзлаштириш борасида катта қадам ташланди. Область чўлқуварлари оғир қийинчиликларни енгиб, қисқа вақт ичида чўл ва қумликлар ўрнида ўнлаб янги иxtисослашган хўжаликларни вужудга келтирдилар.

Сув хўжалигининг ривожланиши ҳамда янги ерларни ўзлаштириш изчиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли Хоразмда пахтачилик, полизчилик, чорвачилик ва бошқа тармоқларни жадал юксалтириш учун катта имконият яратилди. Ирригация ва мелиорациянинг шарофати туфайли область пахтачиликда иттифоқда энг ҳосилдор областлардан бири бўлиб қолди. Масалан, 1961—1965 йилларда бу ерда пахтачиликнинг ўртача йиллик ялпи ҳосили 307 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1977 йилда 426 минг тонна пахта териб олинди. Бу фақат мамлакатимизда эмас, балки жаҳон миқёсида мисли кўрилмаган рекорд кўрсаткичдир.

Область пахтачилик билан бир қаторда республиканинг йирик шоликор областига ҳам айланиб борапти. 1978 йилда область шоликорлари давлат омборига 78 минг тоннадан ортиқ қирмизи дон топширишга муваффақ бўлдилар. Шоли ҳосилдорлиги гектарига 52,6 центнерга кўтарилди. Хоразм областида кейинги ўн икки йил ичида пахта етиштириш 40 процентдан зиёдроқ, шоли етиштириш эса 5 баробар кўпайди. Бу ютуқлар, бир чеккаси, ирригация ва мелиорация соҳасида амалга оширилган тадбирлар натижаси эканлиги аён, албатта. Қолхоз ва совхозлар иқтисодий жиҳатдан бақувват, ма-

данияти муттасил юксалиб бораётган хўжаликлар бўлиб қолди. Буюк истиқбол йўлида комил ишонч билан олға қадам ташлаётган машъал Хоразмнинг бугунги жамоли В. И. Лениннинг бундан 60 йил муқаддам «сугориш ҳаммадан ҳам кўпроқ зарурдир ва ўлкани ўзгартиб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради. Социализмга ўтишни мустаҳкамлайди»¹, деган доҳиёна башоратини яна бир бор исбот қилади.

ХОРАЗМ ИРРИГАЦИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

Ривожланган социализм босқичи Хоразм областида сугориладиган деҳқончиликнинг ривожланишида янги тарихий даврни бошлаб берди. Бу босқич областа қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш йўлида катта натижалар қўлга киритилганлиги, улкан ирригация ва мелиорация қурилишлари комплексининг амалга оширилганлиги ҳамда колхоз ва совхозларнинг социал-иқтисодий юксалишида олға қараб катта қадам қўйилганлиги билан характерланади.

Мамлакатнинг иқтисодий ва индустриал қудрати ошганлиги Хоразм областида қишлоқ хўжалиги билан бирга сув хўжалиги соҳасида ҳам жуда муҳим ишларни амалга ошириш имконини берди. КПСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумидан кейин ўтган давр ичида область қишлоқ хўжалигида бажарилган ишларнинг бутун комплексига қарийб бир миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Сув хўжалиги ишларига ажратилган маблағларининг ҳажми ҳам муттасил ошиб борди. Чунончи, КПСС Марказий Комитетининг май (1966 й.) Пленумидан кейин ўтган давр мобайнида Хоразм областининг сув хўжалиги тадбирлари учун давлат томонидан жами 429 миллион сўм маблағ ажратилди. Тўққизинчи беш йилликда область сув хўжалик қурилишига 227 миллион сўм, яъни аввалги беш йилликдагидан 2,5 баробар кўп маблағ сарфланди. Унинг ичида беш йилликда эса бу ишга 343 миллион сўм ёки тўққизинчи беш йилликдагидан қарийб 1,5 баробар кўп маблағ сарф этиш мўлжалланмоқда.

Область колхозларининг экономикаси анча бақувват бўлиб қолганлиги туфайли улар кейинги беш йил ичида сув хўжалиги ишларига 25 миллион сўм маблағ ажратдилар.

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 32-том, 353-бет.

Бу даврга келиб Хоразмнинг сув хўжалиги анча такомиллашди, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Сув хўжалиги ишларини олиб борувчи янги бошқармалар ҳамда қурилиш ташкилотлари барпо этилди. Кейинги йилларда ташкил этилган область мелиорация бошқармаси, Урганч-арна бошқармаси, дамба хўжалиги бошқармаси ҳамда область ирригация қурилишлари дирекцияси шулар жумласидан.

Замонавий техника воситалари билан қуролланган «Хорезмводстрой», «Хорезмсовхозводстрой» ва «Туямуюнгидрострой» трестлари вужудга келтирилди. Уларга қарашли қурилиш-монтаж бошқармалари ва кўчма механизациялашган колонналар қошида қудратли сапоат ишлаб чиқариш базалари вужудга келтирилди. Урганч шаҳрида 4,5 миллион сўмлик ремонт ишларини бажариш қувватига эга бўлган механика-ремонт заводи ҳамда темир-бетон маҳсулотлари тайёрловчи завод ишга туширилди. Буларнинг барчаси область территориясида ирригация ва мелиорация қурилишлари кўламини кенгайтириш, қурилиш ҳамда суғориш ишларини аста-секин индустриал негизга кўчиришга ёрдам берди.

КПСС Марказий Комитетининг май (1966 й.) Пленуми, КПСС XXIV ва XXV съездлари қарорларига мувофиқ, Хоразмнинг улкан сув хўжалиги олдида ғоят муҳим тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилди. Аввало, барча суғориш ва мелиорация шохобчаларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, уларнинг сув ўтказиш имкониятини яхшилаш, мавжуд суғориладиган майдонларнинг самарадорлигини ошириш, янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига суғориладиган майдонларни кенгайтириш, ер майдонидан ва сувдан самарали фойдаланиш учун кураш — бу вазифанинг асосий йўналишлари ана шулардан иборат. Мазкур тадбирлар ичида суғоришни ҳозирги замон фани ва илғор техникаси негизда қайта қуриш, айниқса, воҳанинг социал-иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйновчи Туямўйин гидроузели қурилишини жадаллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, Амударё — Хоразм воҳасининг яккаюягона сув манбаи. Кейинги йилларда Амударёда сув сатҳи анча камайиб, Хоразм воҳасида сув танқислиги муаммосини келтириб чиқарди. 1975 йил баҳорида дарёдаги сувнинг миқдори секундига 200 кубометрга тушиб қолди; бу одатдаги сув миқдоридан уч баробар кам эди. Хоразмдагина эмас, қўшни Тошовуз ва ҚҚАССР

хўжаликларида ҳам деҳқончилик учун оғир вазият вужудга келди. Область партия, совет ташкилотлари, сув хўжалиги органларининг диққат-эътибори сув танқислигини бартараф этишга, экин майдонларига етарли миқдорда сув етказиб беришга қаратилди. Хоразм деҳқонларига бундай оғир шароитда қудратли техника мададкор бўлди. Ҳар йили кўкламда ўттиздан ортиқ қудратли землесослар ёрдамида магистрал каналларнинг бош тўғон қисми лойқа-чўкиндиладан мунтазам равишда тозаланмоқда. Бунга қўшимча суратда НАП-1,1 типдаги ўнлаб махсус сузувчи насос станциялари ҳамда юздан ортиқ бошқа типдаги насос установкалари ёрдамида каналларга секундига юз кубометрга яқин қўшимча сув оқизилмоқда.

Булардан ташқари хўжаликларнинг сувга эҳтиёжи ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб; мавжуд суғориш шохобчаларини кенгайтириш, уларни қайта қуриш ва реконструкция қилиш борасида кўп ишлар қилинди. Дарёдан магистрал каналларга қўшимча сув йўллари тортилди, айрим каналларнинг бош тўғон қисмларида инженерлик иншоотлари барпо этилди. Жумладан, узунлиги 70 километрдан ортиқ эски каналлар — Чоғолоқсоқа, Байрамсоқа ва Машинаёрган каналлари қайтадан ишга туширилди. Тошсоқа каналида секундига 70 кубометр сув ўтказадиган иккинчи бош иншоот қурилди. 18 километр узунликда канал ва бош иншоот қурилди. Бу канал 210 кубометрга яқин сув ўтказа олади ва у Хоразм воҳасида 195 минг гектар майдоннинг сув таъминотини яхшилаш имконини берди. Тўранғисоқа канали ва бош иншоотининг ишга туширилиши туфайли Қиличбой канали системасидаги ерларни суғориш имконияти анча яхшиланди.

Кейинги йилларда областнинг барча суғориш ва мелиорация шохобчаларида қайта қуриш ва реконструкциялаш, гидроузелларни автоматик усулда бошқаришга ўтиш ва телемеханизациялаш ишлари жадал олиб бориляпти. Тошсоқа ва Қиличбой магистрал каналлари, Октябрь-арна, Урганч-арна ва Р-8 каналларининг узел иншоотларини бошқариш автоматлаштирилди ва телемеханизациялаштирилди. Шунингдек, Ҳазорасп, Хонқа, Боғот ва Гурлан районларининг сув хўжаликлари ҳам замонавий ҳисоблаш техникалари ва автоматик бошқарув системалари билан ускуналана бошланди. Булардан ташқари ирригация шохобчаларига 600 дан ортиқ гидростолар ва телерейкалар ўрна-

тилди. Бу тадбирлар сувни белгиланган норма асосида тарқатиш ва сув ресурсларидан рационал фойдаланишни ташкил этишда катта ёрдам бермоқда.

Йирик магистрал каналларидан Тошсоқа, Шовот, Полвон-Ғазовот ва Қиличбой каналлари ремонт ва реконструкция қилинди. Натижада уларнинг сув ўтказиш имконияти бирмунча яхшиланди. Масалан, Тошсоқа магистрал канали эндиликда секундига 320 кубометргача, Полвон-Ғазовот канали эса 110 кубометргача сув ўтказа олади. Бундай тадбирлар областнинг Хонқа ва Янгиариқ районларида Хонқа-арна, Р-8 каналлари ва уларнинг тармоқларида, Боғот районида Найман-II каналида, Урганч районида Урганч-арна ва Қулобод, Хи-ва районида Оқёп, Саёт ва Полвон-Зейёп каналларида, Шовот районида Коммунизмёп, Бўзёп, Довдонёп, Гурлан районида Гурлан тармоғи каби ўнлаб хўжаликлараро ва ички хўжалик тармоқларида ўтказилди. Ҳазорасп районидаги суғориш шохобчаларини реконструкция қилиш туфайли 12 минг гектар майдоннинг сув таъминоти янада яхшиланди. Умуман, область бўйича фақат 1976—1977 йиллардагина 8206 гектар майдоннинг суғориш шароити яхшиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X Пленумида «Ерларни мелиорациялаш, шўр босиш ва ботқоқланишга қарши кураш энг муҳим омилларнинг биридир. Сув хўжаликлари ташкилотларигина эмас, колхозлар ва совхозларнинг ўзлари ҳам бу ишларга катта эътибор беришлари лозим. Бундан ташқари эски суғориш системаларини кенг кўламда реконструкциялаш, далаларни йириклаштириш ва текислаш, уларни сув билан таъминлашни яхшилаш зарур»¹, деб таъкидланган эди.

Хусусан, Хоразм шароитида ерларни мелиорациялаш қишлоқ хўжалигидаги энг асосий масалалардан биридир. Бу масала худди суғориш каби маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларининг ҳамиша диққат-эътиборида туради.

Барча экин майдонларининг маълум даражада шўрланганлиги ҳамда сизот сувларининг ер юзасига яқинлиги область мелиорация шароитининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Воҳанинг Орол денгизи ва Сариқамиш чуқурлигига нисбатан нишаблик даражаси

¹ «Совет Ўзбекистони», 1978 йил 26 июль.

анча паст. Шу боисдан бу ерда ер ости сувлари анча секин оқади. Тупроқнинг филтрлаш даражаси паст, зах қочириш имконияти етарли эмас. Дарё лойқасидаги минерал элементларнинг бир қисми ҳам деҳқончиликка салбий таъсир кўрсатади.

Сизот сувларининг ер юзасига яқинлиги натижасида экин майдонларининг минераллашув жараёни кучли. Шу сабабли областдаги суғориладиган майдонларнинг деярли ҳаммаси маълум даражада шўрланган. Текширишлар шуни кўрсатдики, 35 минг гектар майдон кучли даражада, 50 минг гектар майдон ўртача, 55 минг гектар майдон эса кам миқдорда шўрланган. Суғориладиган ерларнинг бундай кенг майдонларда шўрланиши ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Бундай шароитда мўл ҳосил олиш учун зарур мелiorация тадбирларини вақтида ўтказишга алоҳида эътибор бериш, шўр ювишни сифатли ўтказиш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг май (1966 й.) Пленумидан кейин Хоразмда мелiorация қурилишлари жадаллаштириб юборилди. Партия ва ҳукуматимизнинг ҳар тарафлама ёрдами туфайли қисқа вақт ичида Хоразмда кўплаб йирик магистрал ҳамда хўжаликлараро коллекторлар, ички зовур шохобчалари ишга туширилди. Бу воҳа ерларининг мелiorатив ҳолатига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. 1966—1970 йилларда областнинг мелiorация қурилишлари учун 12,7 миллион сўм сарф этилди. Бу сув хўжалигига сарфланган капитал маблағнинг 26 проценти демакдир. 60-йилларнинг бошида республикада энг улкан Катта-кўл ва Дарёлиқ магистрал коллекторларининг барпо этилганлиги воҳа ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Узунлиги 700 километрдан ортиқ бўлган бу коллекторлар орқали эндиликда Хоразм области ҳамда қардош Тошовуз области территориясидаги минераллашган сизот сувлар Сариқамиш чўкмасига оқизиб юборилмоқда.

Кейинги йилларда область территориясида яна Озерний, Ғазовот-Довдон, Шовот-Андреев, Янгибозор, Девонкўл каби ўнлаб хўжаликлараро коллекторлар ишга туширилди. Натижада область территориясидаги коллектор-зовур шохобчаларининг узунлиги 5,7 миң километрдан ошиб кетди. Фақат тўққизинчи беш йиллик мобайнида область территориясида 535 километрдан ортиқ коллектор ва зовурлар бунёд этилди. Бу мелiorация тармоқлари орқали область территориясидан Сариқамиш чўкмасига ҳар йили 1,9 миллиард кубометр си-

зот сувлар оқизиб юбориляпти. Бошқача қилиб айтганда, суғориладиган майдонлар ҳар йили 7—8 миллион тоннагача зарарли минерал тузлардан тозаланмоқда. Область ерларида 1963 йилда сизот сувлари ер юзасидан 1,37 метр паст бўлган эди. Бу кўрсаткич 1965 йилда — 1,57, 1967 йилда — 1,74, 1977 йилда эса 2,8 метрни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ўн йил мобайнида областда сизот сувларининг сатҳи бир метрга пастга тушди ва у эндиликда деҳқончилик учун деярли нормал ҳолатга келиб қолди.

Областнинг коллектор ва зовур шохобчаларида ҳам уларнинг зах қочириш имкониятини ошириш мақсадида қайта қуриш ва реконструкциялаш ишлари олиб борилди. Бундай муҳим ишлар Озерний, Шовот-Андреев, Жирмизкўл, Обилкўл, Гурлан бирлаштирувчи коллекторларида ҳамда қатор ички коллектор-зовур шохобчаларида ўтказилди. Ана шу тадбирлар туфайли область территориясида тўққизинчи беш йиллик мобайнида 45 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга муваффақ бўлинди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатди.

Унинчи беш йилликда областда коллектор-зовур шохобчаларини қайта қуриш ва реконструкциялаш тадбирлари янада кенг кўламда олиб борилляпти. Жумладан Урганч районидаги Қумёп, Хива районидаги Вараган, Шовот районидаги Довдон ва Қўшкўпир районидаги Коммунизм коллекторлари реконструкция қилиняпти. Гурлан районидаги Қиличбой канали, Хонқа районидаги Полвон-Ғазовот канали остидан ўтадиган коллекторларга дюкер ўрнатилади. Қўшкўпир ва Урганч районларида Ғазовот-Довдон коллекторларининг Ғазовот канали остидан ўтадиган қисмларига ҳам дюкер ўтказилади. Янги ташкил этилаётган совхозлар территориясида ҳам муҳим суғориш ва мелиорация тадбирлари амалга оширилди. Гидроқурувчилар ҳозирги вақтда Хоразмнинг сув хўжалигида ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ана шу муҳим вазифаларни муддатидан олдин тугаллаш учун зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар.

Бу вазифаларни амалга ошириш туфайли ҳозирги беш йилликда яна 46 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. 1977—1978 йиллар давомида бу соҳада амалга оширилган ишлар область территориясида 20 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берди.

Суғориш ва мелиорация қурилишлари сўнгги инженерлик талабларига мувофиқ ҳолда комплекс тарзда олиб бориляпти. Гидротехника иншоотлари, лотоклар, кўприклар, алоқа воситалари, назорат йўллари ва бошқа зарур объектлар деярли бир вақтда қуриляпти. Сув хўжалигининг ҳамма участкалари тўла электрлаштирилди ва алоқа линиялари билан ўзаро боғланди. Кейинги беш йил ичида областнинг суғориш шохобчалари атрофида 240 километр масофада назорат йўллари, 130 километр узунликда алоқа линиялари ва 205 жойда гидрометрия постлари ишга туширилди. Бу сув хўжалигини бошқаришни бирмунча такомиллаштирди.

Ерларни мелиорациялаш анча яхшиланганлиги область хўжаликларида шўр ювишни барвақт ва сифатли ўтказиш имконини бермоқда. Яқин-яқингача областда ерларнинг шўри баҳор фаслида ювиларди. Эндиликда баҳорда сувнинг камчил бўлишини ҳисобга олиб, шўр ювиш ишлари кеч куз-қиш ойларидан бошлаб юбориладиган бўлди. Бу эса экиш муддатини қисқартиришга ёрдам бермоқда. Масалан, илгари областда чигит экиш 40—50 кунга чўзилган бўлса, эндиликда у 15—20 кун давом этади ва экиш кампанияси одатда май ойининг биринчи ярмида тугалланади. Бу эса йиғим-терим ишларини барвақт ўтказиш имконини бермоқда.

Шунингдек, шўри куз-қишда ювилган далаларда пахта ҳосилдорлиги шўри баҳорда ювилган ерларга қараганда 3—4 центнер кўп бўлмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, гидроқувчиларнинг фидокорона меҳнати натижасида ҚПСС Марказий Комитетининг май (1966 й.) Пленумидан кейин ўтган давр мобайнида Хоразм областида суғориш ва мелиорация шохобчалари қарийб 4 минг километр узайди. Шу давр ичида сув хўжалигида икки мингга яқин катта ва кичик гидротехника иншоотлари ишга туширилди. Ҳозирги вақтда область ерларига оби ҳаёт элтаётган суғориш шохобчаларининг умумий узунлиги 6,4 минг километрдан, коллектор-зовур шохобчаларининг узунлиги эса 5,7 минг километрдан ошди. Бу шохобчаларда 5 мингдан ортиқ замонавий гидротехник иншоотлар ишлаб турибди. Эндиликда областда ҳар гектар ер ҳисобига 38,5 погон метр суғориш, 34 погон метр коллектор тармоғи тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда кейинги 12 йил мобайнида ҳар гектар ер ҳисобига суғориш тармоқлари 10 погон метр, коллекторлар сал кам 13 погон метр кўпайди.

Хоразм областида суғориш ва мелиорация
шоҳобчаларининг ўсиш динамикаси

Йиллар	Суғориш шоҳобчалари				Коллекторлар			
	хўжаликлараро тар- моқлар (км)	ички хўжалик тар- моқлари (км)	жами (км)	узунлиги, 1 га ер ҳи- سوبига погон метр	хўжаликлараро тар- моқлар (км)	ички хўжалик тармоқ- лари (км)	жами (км)	узунлиги, 1 га ер ҳисо- бига погон метр
1965	1106,9	2993,7	4100,6	28,0	1889,7	1137,6	3027,3	21,3
1971	1180,1	4866,6	6046,7	38,3	2484,5	2736,0	5220,5	33,0
1977	1419,3	5059,5	6478,8	38,5	2505,6	3249,8	5755,4	34,0

Фан-техника тараққиёти Хоразмнинг сув хўжалиги-да бир қанча прогрессив усуллари жорий этишга им-коният яратди. Жумладан, 1967 йилда Хонқа районида-ги «Правда» колхози территориясида областда биринчи марта ёпиқ зовурларнинг самараси синаб кўрилди. Шу йили колхознинг 120 гектар майдонига 3936 метр узун-ликда ёпиқ зовурлар ётқизилди. Тажриба дастлабки йилдаёқ ижобий натижа берди. Шу майдонларда сизот сувлари ғўза ўсув даврида 70 сантиметр, атрофда эса 30 сантиметр паст тушди. Ёпиқ зовурлар ётқизилган майдонда сўнгги 3 йил ичида пахта ҳосилдорлиги гек-тарига 7,6 центнер ошди. Тажриба ёпиқ зовурлар Хо-разм шароити учун энг мақбул эканлигини тасдиқлади. Мелиорациянинг ана шу илғор усулини кенг жорий қилиш келгусида область территориясида ўн минг гек-тарга яқин майдонни қўшимча равишда хўжалик обо-ротига киритиш имконини беради.

Шунингдек, ана шу «Правда» колхози территорияси-да областда биринчи марта гидроавтоматлар ёрдамида суғоришдан фойдаланилди. Хива районида қумлоқ май-донларни суғоришда республикада биринчи бўлиб капельний суғориш усули қўлланилди. Шу райондаги Фрунзе номли колхоз территориясида ички зовур тар-моқларида областда биринчи марта полиэтилен труба-

лар қўлланилди. Ҳазорасп районида эса вертикал ва вакуум дренажлар қурила бошланди. Буларнинг барчаси область хўжаликларида ер ва сув ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш йўлидаги энг муҳим қадамлардир.

Область хўжаликларида экин майдонларини яхлитлаштириш соҳасида ҳам анча ишлар қилинди. 1965 йилдан кейин ўтган ўн икки йил мобайнида бу ерда 47 минг гектар майдонда ерларни капитал текислаш ва яхлитлаштириш тадбирлари ўтказилди. Суғориладиган қарталар 10—15 гектар ҳажмда йириклаштирилди ҳамда шу майдонларда суғориш шохобчалари тартибга солинди.

Унингчи беш йилликда бу тадбир 24 минг гектар майдонда ўтказилади. Ерларни капитал текислаш ва яхлитлаштириш ишлари Хоразм шароитида жуда катта хўжалик аҳамиятига эга. Бу тадбир деҳқончилик ишларини юқори агротехника талаблари даражасида ўтказишга, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишга ёрдам беради, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашга ўтишни тезлаштиради.

КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 й.) Пленумида, шунингдек ЎзҚП Марказий Комитетининг X Пленумида янги ерларни комплекс ўзлаштириш, уларни қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш ҳамда суғориладиган майдонлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Суғориладиган экин майдонларини кенгайтириш Хоразм областининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юқори даражада ихтисослаштириш ва концентрациялаш, алмашлаб экишни жорий қилиш, жамоат чорвачилиги учун мустаҳкам озиқ базасини яратиш ҳамда қишлоқдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш имконини беради. Бундан ташқари янги ерларни ўзлаштириш турли сабабларга кўра қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолган майдонлар ўрнини қоплаш учун ҳам зарурдир. Бироқ дастлабки даврда суғориладиган экин майдонларини кенгайтиришга, янги ерларни ўзлаштиришга лозим даражада эътибор берилмади. Масалан, 1959—1965 йилларда областда ўзлаштирилган майдон 16,6 минг гектар бўлгани ҳолда суғориладиган экин майдонининг абсолют ўсиши атиги 2,1 минг гектарни ташкил этган, холос. Қолган майдонлар зарур мелiorация чоралари кўрилмагани сабабли қишлоқ хўжалик

оборотиға киритилмаган ёки оборотдан чиқиб қолган. Амударё стихияси натижасида кейинги ўн йил ичида областнинг суғориладиган майдонидан 12,5 минг гектар ер қишлоқ хўжалик оборотидан чиққан. Ана шундай сабабларга кўра областда суғориладиган майдонлар бирмунча камайган ҳам. Масалан, 1958 йилда суғориладиган майдон 141,9 минг гектарни, 1968 йилда эса 140,9 минг гектарни ташкил этган. Областда қишлоқ хўжалик маҳсулоти асосан ҳосилдорликнинг кўтарилиши ҳисобига кўпайди. Масалан, кейинги 20 йил мобайнида пахта майдони атиги 4 минг гектар ёки 4 процент кенгайган бўлса, ҳосилдорлик шу давр ичида 18 центнер ёки 79 процент кўтарилди, ялпи ҳосил эса 199 минг тонна ёки 87 процент кўпайди.

Ерлар унумдорлигини ошириш, айниқса, пахта ҳосилдорлигини ошириш алмашлаб экишни, экин майдонларини муттасил кенгайтириб боришни тақозо этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг май (1966 й.) Пленумидан кейин ўтган давр ичида маҳаллий партия ва совет ташкилотлари янги ерларни ўзлаштириш масаласига доир бир қатор қарорлар қабул қилди. Область ижроия комитетининг 1967 йил 15 декабрда «Янги ерларни ўзлаштириш ва экин майдонларини капитал текислаш тўғрисида», 1968 йил 30 августда «Янги ерларни ўзлаштиришнинг бориши тўғрисида», шунингдек 1975 йил 25 мартда «Областда янги ерлар ўзлаштиришни тезлаштириш ва суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳақида» ва ниҳоят юқорида қайд этилган 1975 йил 25 март қарорининг бажарилиш якунлари тўғрисида 1978 йил 7 апрелда қабул қилган қарорлари бунинг ёрқин далилидир. ЎзКП Хоразм область комитетининг XI Пленумида (1978 йил 12 август) ҳам янги ерларни ўзлаштириш масаласига алоҳида аҳамият берилди. Ушбу қарорларда янги ерларни ўзлаштириш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган вазифа эканлиги таъкидланди. Область территориясида янги ерларни ўзлаштириш имкониятлари ҳамда бу муҳим вазифани комплекс асосда ташкил этиш йўллари белгилаб берилди. Учинчи беш йилликда 39,4 минг гектар, жумладан давлат маблағи ҳисобига 34,1 минг гектар янги ер ўзлаштирилади, шунингдек шу ерларни капитал текислаш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда янги хўжаликлар барпо этиш вазифалари ҳал этилади. Янги ерларни ўзлаштириш иши билан

«Хорезмводстрой» ва «Хорезмсовхозводстрой» трестлари ҳамда «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмаси шуғулланяпти. Янги ерларни ўзлаштириш, қурилиш ишлари суръати ва сифатини ошириш ишларига умумий раҳбарлик область ва район штаблари томонидан амалга оширилмоқда.

Янги ерларни ўзлаштириш ишига тажрибали мутахассислар ва механизаторлар сафарбар этилди, ер қазиш ва текислаш механизмлари, транспорт воситалари ажратилди. Қудратли техника билан қуролланган гидроқурувчилар областнинг ҳамма жойларида ёзнинг жазирама иссиғи ва қишнинг изғирин совуғига қарамай катта жасорат кўрсатиб, қум барханлари, қир-адирлар бағридан ер очиб, экинзорлар ва боғлар барпо этилдилар. Ўтган икки беш йиллик мобайнида область территориясида 27 минг гектар майдон ўзлаштирилди. Унинг беш йилликнинг уч йили мобайнида янги ўзлаштирилган майдон эса 16 минг гектардан ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, область ша-роитида янги ерларни ўзлаштириш масаласи анча қийин, мураккаб масаладир. Чунки кам чиқим билан ўзлаштирилиши мумкин бўлган ерлар асосан ўзлаштириб бўлинди. Эндиликда эса область территориясидаги ички қумлик массивларини ва қум барханларини ўзлаштириш учун юриш бошланди. Шу чоққача ҳеч ким бу ишга қўл урмаган эди. Аммо шерюрак қумқуварлар бу ишга дадил киришдилар. Мутахассислар ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб, ўзлаштирилаётган қумликлар устига узоқ-яқиндан унумдор тупроқ ташиб келтиришга, зах сувларни эса насос ёрдамида чиқариб юборишга қарор қилишди. Бу тадбир яхши самара берди. Аммо қумликни ўзлаштириш жуда оғир ва машаққатли иш бўлиб, кўп маблағ сарфлашни талаб қилади. Агар чўл массивидаги ҳар гектар майдонни ўзлаштиришга 3 минг сўм сарфланган бўлса, қумликни ўзлаштиришга 9 минг сўм сарфланяпти. Унинг беш йилликда Хоразмда янги ерларни ўзлаштиришга ҳукуматимиз тарафидан 111,5 миллион сўм капитал маблағ ажратилганининг боиси ҳам ана шунда. Хоразм қумқуварларининг бу ватанпарварлик ташаббуси ЎзКП Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Ш. Р. Рашидов республика Компартияси XIX съездида қилган ҳисобот докладида «Биз чўлларга ҳужум бошлаб юбордик. Партиянинг иродаси, инсоннинг ақл-заковати ва саховатли меҳнати билан Қизилқум чўллари ўзлаштирилади ва

қум барханлари гуллаб-яшнаган воҳаларга айланади»¹, деб айтган сўзлар рўёбга чиқмоқда.

Кейинги йилларда асрий қумлик, дарё қирғоғидаги қамишзор ва партов майдонлар ҳисобига жуда катта майдонлар ўзлаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда Ҳазорасп районида Ҳажжакўл, Боғот районида Тозабозор, Янгиариқ районида Стаханов, Хива районида Қорақум, Қўрикўл, Қўшқўпир районида Шайхкўл, Амирқум, Шовот районида Гавдаша, Довдон, Гурлан районида Дарёлик массивларида кенг майдонларни ўзлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Янги ўзлаштирилаётган майдонлар самарадорлигини ошириш учун бу ерларда қурилиш ишларини комплекс ташкил этишга катта эътибор берилляпти. Чунончи, янги ўзлаштирилган майдонларда ерларни текислаш, ирригация ва мелиорация шохобчалари, йўллар ва кўприклар қуриш, уй-жой ва маданий-маиший биноларни барпо қилиш, шунингдек ишлаб чиқариш ва бошқа зарур объектларни ишга тушириш вазифалари бир вақтда ҳал этилмоқда. Натижада пахта, дон, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини кенгайтириш, янги ихтисослашган хўжаликларни вужудга келтириш имконияти яратилди. Кейинги йилларда янги ўзлаштирилган майдонларда шолчилик, сабзавотчилик, чорвачиликка ихтисослашган ўнлаб хўжаликлар вужудга келди. 1964—1970 йиллар мобайнида 6 та совхоз барпо этилди. Хонқа районидаги ал-Хоразмий номли (1964 й.), Гурлан районида «Гулистон» ва «Янгиобод» (1966 й.), Боғот районидаги «Боғот» (1971 й.) шолчилик совхозлари, шунингдек «Шовот» ва «Қизилжар» (1970 й.) бўрдоқчилик совхозлари ана шулар жумласидандир. Фақат ал-Хоразмий номли хўжалик территориясида гидроқурувчилар 250 километрдан ортиқ суғориш ва коллекторзовур шохобчалари, 140 километр масофада равон йўллар ҳамда 1400 дан ортиқ катта ва кичик ирригация иншоотлари қурдилар. Янги совхоз аҳолиси учун шинам уй-жойлар қад кўтарди. Унинг беш йилликнинг ўтган даври ичида янги ўзлаштирилган массивларда яна 6 та ихтисослашган совхоз вужудга келтирилди. Гурлан районида «Россия», Шовот районида «Колос», Қўшқўпир районида «Қўшқўпир», Урганч районида «Беговот», Хива районида «Қорақум», Янгиариқ районида «Янги-

¹ Ш. Р. Рашидов. ЎзКП Марказий Комитетининг Ўзбекистон Компартияси XIX съездида ҳисобот доклади, Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1976, 34-бет.

ариқ» шолчилилик совхозлари барпо этилди. Қизилжар массивида эса «Дўстлик» чорвачилик совхози иш бошлади. Бу хўжаликларга биркирилган майдон 23 минг гектардан ортиқ бўлиб, ҳозиргача 6 минг гектардан ортиқ ер ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалик оборотиға киритилди.

Янги ерларни ўзлаштириш, юқорида айтганимиздек, комплекс тарзда олиб борилди. Ирригация ва мелиорация шохобчалари бунёд қилинди. Янги барпо этилган хўжаликлар территориясида умумий узунлиги 500 километрдан ортиқ суғориш ва мелиорация тармоқлари, 21 минг кв. метрдан ортиқ ҳажмда турар жой, маданий-манший бинолар фойдаланишға топширилди.

Агар область территориясида 1965 йилда фақат 2 та совхоз мавжуд бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 16 таға етди. Совхозларнинг суғориладиган майдони 20 минг гектардан ошди. Область совхозларида 835 та турли маркадаги тракторлар, 259 та дон комбайни ва бошқа механизмлар ишлаб турибди. Совхозлар дон, полиз ва чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисмини етказиб бераётган рентабелли хўжаликларға айланиб бормоқда. Область совхозларининг 11 таси шолчилилик, 3 таси чорвачилик, қолганлари полизчилилик ва мевачилик хўжаликлариidir. Областа давлатға топширилаётган доннинг ҳаммасини шолчилилик хўжаликлари етказиб бермоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. В. Қим бошчилилик қилаётган ал-Хоразмий номли шолчилилик совхозни қисқа вақт ичида республикаимизда илғор хўжаликлар даражасига кўтарилди. Кейинги ўн йил ичида хўжаликнинг суғориладиган экин майдони икки баробар кенгайди, ялпи шол ҳосили эса 4 баробар ошди. Шу вақт ичида хўжаликнинг деҳқончиликдан кўрган фойдаси 7,5 миллион сўмдан ошди.

Совхоз шолкорлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида айниқса катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар давлатға 23 минг тоннадан ортиқ қирмизи дон етказиб бердилар. Олинган социалистик мажбурият ошириб бажарилди. Агар 1964 йилда ҳар гектар майдондан 24,8 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1978 йилда ҳосилдорлик 65 центнердан ошди. Совхоз юқори даражада механизациялашган хўжалик. Унинг далаларида 200 дан ортиқ турли маркадаги тракторлар ва ер қазниш механизмлари, юздан ортиқ комбайнлар, 50 дан ортиқ юк автомашиналари ишлаб турибди. Совхоз мар-

казида кечаги тўқай ўрнида кўркам ишчилар шаҳарчаси қад кўтарди. Замонавий уй-жойлар, маданий-маиший бинолар, мактаб ва болалар муассасалари совхоз ишчилари хизматида. Барча хонадонлар электрлаштирилган ва газлаштирилган. Ҳар бир хонадонда телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси, кўпчилик хонадонларда эса енгил автомашина бор.

Гурлан районидаги «Янгиобод» совхози ҳам қўриқ ерда вужудга келган истиқболли хўжаликлардандир. «Янгиобод» совхози 1966 йилда кимсасиз Дарёлиқ массивида ташкил этилди. Бу ерда қисқа вақт ичида 18 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўн йилдан ортиқ давр хўжалик ҳаётида чинакам ўсиш, камолот йиллари бўлди. Совхоз ишчилари қийинчиликларни мардонавор енгиб, шоли ҳосилдорлигини муттасил оширишга эришдилар. Шу йиллар мобайнида совхозда экин майдонлари 4 баробар кенгайди, ҳосилдорлик эса уч баробар ошди. 1978 йилда совхоз ишчилари 2 минг гектар ерда деҳқончилик қилиб, она-Ватанга 10 минг тоннадан ортиқ сифатли дон ётказиб бердилар. Ҳосилдорлик гектарига 63 центнердан ошди. Айрим бўлим ва бригадаларда шоли ҳосилдорлиги янада юқори бўлди. Масалан, Қурул Абдусатторов бошлиқ иккинчи бўлим шоликорлари 443 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 67 центнердан, Қурул Давлатов, Аскар Йўлдошев ва Пошша Раҳимова бошлиқ бригадалар 68—70 центнердан дон топширдилар. Совхоз ишчилари шолчилик билан бирга чорвачиликни ҳам жадал ривожлантирмоқдалар. Яқинда бу ерда 800 қорамолга мўлжалланган йирик комплекс ишга туширилди. Совхоз ишчиларининг турмуш фаровонлиги ва маданий даражаси тобора яхшиланиб бормоқда. Уларнинг ойлик маоши ўтган ўн йил мобайнида тўрт баробар ошди.

Яқиндагина ташкил этилган «Россия» совхози 1978 йилда —1500, «Қорақум» совхози —1200, «Қолос», «Беговот» ва «Янгиариқ» совхозларининг ҳар бири —800, «Қўшқўпир» совхози 750 гектар ерга дон экиб, шолдан юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Масалан, Шовот районидаги «Қолос» совхози коллективи қумлоқ ерларда гектарига (1977-йилдаги 4,5 центнер ўрнига) 1978 йилда 19,1 центнердан, Хива районидаги «Қорақум» совхози эса (1977 йилдаги 8,5 центнер ўрнига) 19,7 центнердан зиёдроқ шоли етиштирдилар.

Янги ўзлаштирилган ерларда олиб борилаётган

ирригация ва мелiorация ишлари ҳосилдорликни оширишга ёрдам бермоқда. Фақат шoличиликдагина эмас, балки сабзавотчиликда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Зах босган ерларда 1973 йилда вужудга келтирилган «Октябрь 50 йиллиги» совхозида кенг миқёсда ирригация ва мелiorация ишлари олиб борилди, ариқлар, коллектор-зовур тармоқлари барпо этилди. Бу совхоз асосан полизчилик ҳамда сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Эндиликда совхоз ишчилари 650 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, юқори ҳосил етиштиряптилар. Биргина 1977 йилда совхоз коллективи 1000 тонна қовун, 15 тонна қовун уруғи ва 1214 тонна сабзавот топширди. Совхоз ташкил қилинмасдан олдин — 1971 йилда бу ерда зўрға 23 тонна қовун ва 6 тоннага яқин қовун уруғи тайёрланган эди, холос. Қирадирларда вужудга келган янги хўжаликнинг даромадни бир миллион сўмга яқинлашди. Совхоз қовунларидан Урганч пиво-консерва заводи тайёрлаётган қиёмлар ҳатто Венгрия, Япония, Голландия ва бошқа мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда.

Шoнли партиямиз даъвати, гидроқурувчиларнинг яратувчилик меҳнати туфайли қумлик ва қўриқ майдонларни ўзлаштириш учун олиб борилган кураш яхши самара бермоқда. Шoличилик область экономикасининг етақчи соҳаларидан бири бўлиб қолди. Область шoликорлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 й.) Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бoриб, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йилида улкан зафар қучдилар. 1978 йилда 1970 йилга нисбатан 49 минг тонна кўп шoли етиштирилди. Ҳосилдорлик 24 центнерга ўсди. Қўриқ ер баҳодирларидан ал-Хоразмий номли совхоздан Машариф Собиров, Аҳмад Мақсудов, Ленин номли совхоздан Қурбонбой Рўзимов, «Гулистон» совхозидан Алексей Ким, Отабой Уроздурдиев, «Боғот» совхозидан Қодир Оллабергaнов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектарига 70—80 центнерга етказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лoзимки, қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, кенг кўламда олиб борилган ирригация ва мелiorация ишлари Хоразмнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга, унинг экономикаси ва маданий ҳаётининг юксалишига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Областнинг ихтисослашган иккита йирик сув хўжалиги қурилиши ташкилоти «Хорезмводстрой» ва «Хорезмсовхозводстрой» трестларининг техника-

ишлаб чиқариш қуввати ўсиб борапти. Ҳозирги вақтда ҳар бир районда «Хорезмводстрой» ва «Хорезмсовхозводстрой» трестларининг қурилиш бўлимлари, кўчма механизациялашган колонналари ишлаб турибди. Уларнинг ихтиёрида смета қиймати 5 миллион сўмлик 8 та саноат ишлаб чиқариш базалари, темир-бетон конструкциялари тайёрлаш полигонлари ва бошқа зарур техника ишлаб чиқариш базалари бор. 1978 йилда Урганч шаҳрида йилига 25 минг кубометр маҳсулот берадиган йиғма темир-бетон буюмлари тайёрловчи завод қурилиши ниҳоясига етди. Юмировда йиллик ишлаб чиқариш қуввати 400 минг кубометр бўлган тош майдалаш заводи ишлаб турибди. Бу завод сув хўжалигини арзон инерт материаллар билан таъминламоқда. Бу тадбирлар туфайли сув хўжалиги ташкилотлари олиб бораётган қурилиш-монтаж ишларининг сифати анча яхшиланди. Эндиликда кўпчилик объектлар яхши ва аъло баҳолар билан фойдаланишга топширилмоқда.

Кейинги йилларда Хоразмнинг сув хўжалиги қурилиш ташкилотлари кўплаб ер қазииш ва капитал текислаш механизмлари билан таъмин этилди. 1953 йилда область сув хўжалиги қарамоғида жами 85 та ҳар хил ер қазииш механизмлари бор эди. 1977 йилга келиб эса сув хўжалиги қурилиш ташкилотларида 1400 дан ортиқ ҳар хил қудратли механизмлар, шу жумладан 300 дан ортиқ экскаватор, 497 бульдозер, 120 та землесос, 400 дан ортиқ скрепер ва 3 мингдан ортиқ транспорт воситалари ишлади.

Фақат 1976—1977 йилларда область сув хўжалиги 226 та янги қудратли механизм олди. Буларнинг асосий қисми ер ўзлаштириш учун зарур бўлган механизмлар — бульдозерлар ва скреперлар эди. Сув хўжалиги қурилишларида механизмлар ёрдамида ҳар йили 120 млн. кубометрдан ортиқ ҳажмда тупроқ ишлари бажарилмоқда. Ер қазииш механизмлари сафига кейинги йилларда Э-652 ва 304-В типидagi одимловчи экскаваторлар, ЗРС-120 ва УПМ-1 типидagi бульдозерлар, оғир юк ташувчи скрепер ва автомашиналар келиб қўшилди. Яна кейинги беш йил ичида ДШ-201 типидagi зовур қазувчи механизмлар, 70^с—33—22 типидagi янги экскаватор, ДЭТ-250 типидagi бульдозер ва бошқа механизмлар олинди. Натижада Хоразмнинг ирригация қурилишларида тупроқ ишларини механизациялаш даражаси 1965 йилдagi 88 процентдан 1978 йилга келиб 99,9 процентга кўтарилди.

Хоразм область сув хўжалиги ихтиёридаги
механизмлар ва уларнинг бажарган иши

	„Хорезмводстрой“ трести			„Хорезмсовхозвод- строй“ трести		
	1971	1975	1977	1971	1975	1977
Экскаваторлар	157	189	181	57	76	119
Землесослар	121	112	108	82	166	12
Бульдозерлар	144	237	280	49	159	217
Скреперлар	51	161	262	14	12	139
Жами	473	699	851	202	413	487
Жами бажар- ган тупроқ иш ҳажми .	55,4 млн. м ³	72,3 млн. м ³	79 млн. м ³	21,3 млн. м ³	37,9 млн. м ³	42,5 млн. м ³

КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг июль (1978 й.) Пленумида қишлоқ хўжалиги, жумладан сув хўжалиги учун малакали механизатор кадрлар тайёрлаш масаласи алоҳида вазифа қилиб қўйилди. Зотан, ирригация ва мелiorация қурилишлари кўламининг кенгайиши, сув хўжалигининг илмий асосда қурилаётганлиги, қурилиш ишларининг тобора индустриал характер олиши сув хўжалигининг малакали мутахассис ва механизатор кадрларга бўлган эҳтиёжини оширди. Кейинги йилларда шу хусусда бир қанча қарорлар қабул қилинди. Жумладан, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1977 йил 1 сентябрида «Қишлоқ хўжалик техникасининг самарадорлигини ошириш, уни сақлашни, колхоз ва совхозларни механизатор кадрлар билан таъминлашни яхшилаш чоралари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. ЎзҚП Марказий Комитети ва ЎзССР Министрлар Совети ҳам 1977 йил 28 сентябрда механизаторлар тайёрлашни ҳар тарафлама кенгайтириш, уларга ҳақ тўлашни яхшилаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш чоралари тўғрисида, 1978 йил 17 январда «1978 йилда республиканинг қишлоқ хўжалиги учун механи-

затор кадрлар тайёрлашни янада кенгайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Бу қарорларда қисқа муддатли курсларни ҳамда ҳунар-техника билим юртларини ташкил қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали кўплаб юксак малакали механизаторлар тайёрлаш ҳамда кадрларнинг сифат составини яхшилаш, механизаторларни қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидлаб кўрсатилди. Бу тарихий қарорлар Хоразм область сув хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Кейинги йилларда малакали кадрлар тайёрлашда областда анча қувончли натижаларга эришилди. М. Вафоев домли Урганч гидромелиорация техникуми, Урганч қурилиш техникуми, Хива қишлоқ хўжалик техникуми ва механизациялаш мактаби каби қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаётган ўқув юртлари кенгайтирилди, уларнинг техника базаси яхшиланди.

Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмаси ҳамда сув хўжалиги ташкилотлари қошида қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун механизаторлар тайёрлайдиган қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Шунингдек, область районларида малакали ишчи ва механизаторлар, экскаваторчи, бульдозерчи, землесос машинистлари ҳамда тракторчилар тайёрлаб берувчи ҳунар-техника билим юртлари кўпайди. Шовот, Богот, Янгибозор, Қўшқўпир, Туямўйин ва бошқа жойларда бир қанча ана шундай билим юртлари очилди.

Область территориясидаги 14 та ҳунар-техника билим юрти хўжаликлар учун 8 мингдан ортиқ малакали ишчи ва механизатор тайёрлаб берди. Шу беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида яна 665 дан кўпроқ малакали ишчи тайёрланди. Бу кадрлар сув хўжалиги системасида муваффақиятли равишда ишляпти. 1976—1977 йилларда «Хорезмводстрой» трестида 769 киши, «Хорезмсовхозводстрой» трестида эса 367 киши қисқа курсларда ўз малакасини оширди. Эндиликда область сув хўжалигида ишлаётган қурувчилар ҳамда механизаторлар 3,5 минг кишидан ошди. Сув хўжалигида 1100 дан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар фидокорона меҳнат қиляпти. Умуман сув хўжалигида 6,5 минг кишидан-зиёд мутахассислар, гидроқурувчи ва механизаторлар ишлаб турибди. Бошқача қилиб

айтганда уларнинг сони 1965 йилга нисбатан қарийб уч барабар кўпайди.

Хоразм ирригация хўжалигида яратувчилик меҳнати билан республикага танилган жуда кўп мутахассислар меҳнат қилмоқда. Республикада хизмат кўрсатган ирригаторлар марҳум Б. Отабоев, Ж. Оташев, М. Митянов, М. Вафоев, шунингдек шахсий пенсионер И. Духно каби Аму жиловкорларининг номи Хоразм ирригацияси тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Область сув хўжалигида узоқ йиллар мобайнида меҳнат қилаётган ЎзССРда хизмат кўрсатган ирригаторлардан А. Г. Аванесов, Х. М. Мукашев, Э. Қодиров, Г. М. Кривобог, шунингдек Л. М. Бенсманов, К. Сафоев, Й. Худойберганов каби мутахассисларнинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Уларнинг чуқур билими, бой тажрибаси ва ажойиб ташкилотчилиги Хоразм ирригациясининг равнақ топишида жуда катта роль ўйнайди.

Фан-техника тараққиёти жараёнида сув хўжалиги ходимларининг билими ва малакасининг тобора ошиши улар орасида рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кучайтириб юборди. Бу ҳаракатда инженер-техниклардан ташқари оддий ишчилар ва механизаторлар ҳам қатнашмоқда. 1965—1975 йилларда область сув хўжалиги ташкилотларида 108 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида 693,3 минг сўм маблағ тежаб қолинди. 1976—1977 йилларда эса 52 та таклиф ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 701,8 минг сўм фойда олинди. Масалан, «Хорезмсовхозводстрой» ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи Мамажон Исмоилов томонидан Ҳазорасп районидаги Гагарин номли совхознинг коллектор-зовур шохобчалари, шунингдек Шовот районининг Гавдаша массивидаги суғориш ва коллектор шохобчалари жойлашувини ўзгартириш тўғрисида киритилган таклиф 56.797 сўм фойда берди. Боғот кўчма механизациялашган колонна инженери С. Шомуротовнинг «Боғот» совхозидаги суғориш тармоқларини такомиллаштириш таклифи 20,4 минг сўм, Шовот кўчма механизациялашган колонна бош инженери Қилич Маткаримовнинг темир-бетон дюкерни такомиллаштириш таклифи 14,9 минг сўм, Хоразм қурилиш-монтаж бошқармаси тоқари Н. А. Қовалевнинг рационализаторлик таклифи эса 10,7 минг сўм самара берди.

Область сув хўжалиги ташкилотларининг ишлаб

чиқариш техника қуввати ошганлиги, уларнинг малакали кадрлар билан етарлича таъмин этилганлиги жуда катта бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имконини берди. Тўққизинчи беш йилликда «Хорезмводстрой» ва «Хорезмсовхозводстрой» трестлари 173 миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини бажарди. Меҳнат унумдорлиги 35 процент ошди, қурилиш ишлари қиммати эса 17,4 процент камайди.

Бу ташкилотлар ўнинчи беш йилликнинг икки йилида 87 миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини бажардилар. Айниқса, зарбдор йилнинг якунлари самарали бўлди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллиги нишонланадиган кун — 7 ноябрда шу коллективларнинг бунёдкорлари 1978 йил учун белгиланган план топшириқларини муваффақиятли бажардилар. Шу йили 1977 йилдагидан 6,7 млн. сўмлик иш кўп бажарилди.

Гидроқурувчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли ўнинчи беш йилликнинг уч йили мобайнида қумликлар бағридан 16 минг гектардан зиёдроқ ер тортиб олиб, мўл-кўлчилик масканига, экинзорларга ва боғроғларга айлантирилди. 1976—1977 йилларда 8 минг гектар майдонда капитал текислаш ишлари бажарилди ва 20 минг гектардан зиёд майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 21130 квадрат метр ҳажмда турар жой бинолари фойдаланишга топширилди.

«Хорезмводстрой» трести ихтиёрида 79 миллион кубометр ҳажмда тупроқ ишларини бажара оладиган 851 та қудратли механизм тинмай ишлаб турибди. Бу меҳнатсевар коллективга ўз умрининг 40 йиллик ҳаётини сув хўжалигига бахш этган ЎзССРда хизмат кўрсатган ирригатор А. Г. Аванесов бошчилик қилмоқда. Трест коллективи ўнинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида 70,4 млн. сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, план топшириқларини ошириб уддаладилар. Шу вақт ичида 5,5 минг гектар янги ер ўзлаштирилди, 5,6 минг гектар майдонда текислаш ишлари ўтказилди ва 10,6 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. 200 дан ортиқ ноёб гидротехника иншоотлари фойдаланишга топширилди. Трестнинг илғор қурилиш ташкилотларидан Тошсоқа, Хива, Қўшкўпир, Чолиш кўчма механизациялашган колонналари ҳамда Урганч қурилиш бошқармаси коллективи уч йиллик топшириқларини муддатидан уч ой олдин ошириб бажардилар. Трестда илғор иш усуллари — бригада пудратига, меҳ-

натга ҳақ тўлашнинг аккорд-ишбай системаси методига катта эътибор берилмоқда. Бу қурилишда меҳнат унумдорлигини оширишга, қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштиришга ёрдам бермоқда. Масалан, 1978 йилда трест бўйича меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди. Ҳар бир ишчи ҳисобига 9684 сўмлик иш бажарилди, бу 1977 йилдагидан 1384 сўм кўп демакдир.

«Хорезмсовхозводстрой» трестининг муваффақиятлари янада қувончлидир. Бошқарма ихтиёрида 487 та ҳар хил механизм бўлиб, уларнинг қуввати 42,5 млн. кубометр тупроқ ишига тенг. Трест бунёдкорлари ўнинчи беш йилликнинг уч йилига олинган план топшириқларини Улуғ Октябрнинг 61 йиллик байрами кунига ошириб уддаладилар. Жами 54,7 млн. сўмлик яратувчилик ишлари бажарилди. Трест механизаторлари чўл бағрида янги ташкил этилган «Колос», «Беговот», Гагарин номли ҳамда «Қизилжар» ва бошқа хўжаликларда юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, шу вақт ичида 5632 гектар майдонни экинзорларга айлантирдилар. Шунингдек, катта ҳажмда капитал текислаш ва мелiorация тадбирларини ўтказдилар. Трест бунёдкорларидан 650 киши ўнинчи беш йиллик уч-тўрт йили планларини муддатидан анча илгари бажарди. Трест партия ташкилоти иш вақтининг ҳар бир минутидан оқилона фойдаланиш, қурувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш юзасидан катта ишлар олиб бормоқда. Меҳнат интизоми, графикларга риоя қилиш масалалари партия йиғилишларида доимо муҳокама қилиб турилди. Шу тариқа барча иш участкаларида коммунистлар етакчиликл қилдилар. Ҳамма ерда социалистик мусобақа авж олди.

«Хорезмводстрой» ва «Хорезмсовхозводстрой» трестлари 1977 юбилей йилида социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар. «Хорезмводстрой» трести 1978 йил якунларига кўра СССР Мелiorация ва сув хўжалиги министрлигининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Область сув хўжалиги қурилиш ташкилотларида ҳозирги вақтда 88 та бригада коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга сазовор бўлган, 116 бригада бунёдкорлари эса шу юксак ном эгаси бўлиши учун курашмоқда. 37 бригада аъзолари Со-

циалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлаб, юксак натижаларга эришмоқдалар. «Хорезмводстрой» трестиди М. Довбня, Я. Валов, У. Матчонов, А. Қозоқов, «Хорезмсовхозводстрой» трестиди Р. Мухаммедшин, М. Шишканов, Л. Тишковский, Э. Мамасодиқов каби гидроқурувчилар катта доврқ қозонган. Бу илғорлар тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илғари бажарган эдилар. Улар ҳозирги вақтда бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашяптилар. Бу ютуқларнинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Коллективларда вужудга келтирилган маънавий-сиёсий муҳит меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резерви, қийинчиликларни муваффақиятли суратда ҳал этишнинг асосидир. Бунда айниқса коммунистлар юксак масъулият ҳис этиб, ўз меҳнати, ҳамкасб ўртоқларига муносабати, хулқ-атвори билан теварак-атрофдагиларга, энг аввало, ёшларга ўрнак бўлмоқдалар.

«Хорезмводстрой» трести Урганч қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор гидромеханизаторларидан Михаил Довбня, Ражаб Рўзиматов, Анатолий Антонов, Отабой Собиров, Борис Таксинлар, шунингдек «Хорезмсовхозводстрой» трестининг Янгибозор қурилиш-монтаж бошқармаси экскаваторчилар бригадаси бошлиқлари Раис Мухаммедшин, Собир Қозоқов, Боғот кўчма механизациялашган колонна бульдозерчиси Зоир Қудратов сийғари азамат механизаторлар шахсий беш йиллик планларини аллақачон муваффақиятли бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Область сув хўжалиги ходимларининг катта группаси ажойиб меҳнат ютуқлари учун ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари ва унвонларига сазовор бўлдилар. Ҳозирги кунда сув хўжалиги ходимларидан 20 дан ортиқ киши ЎзССРда хизмат кўрсатган ирригатор фахрий унвонига эга. Кейинги беш йил ичида мутахассислардан Э. Қодиров, Г. М. Кривобог, В. Насибиян, В. Ф. Андриюшенко — ЎзССРда хизмат кўрсатган ирригатор, П. Ризаев — ЎзССРда хизмат кўрсатган бинокор, Д. Машарипов эса республикада хизмат кўрсатган механизатор фахрий унвонларини олишга мушарраф бўлди. Область сув хўжалиги ходимларидан 50 дан ортиқ киши орденлар билан мукофотланди. Шулардан Н. Панафидин Ленин ордени билан, Б. Отажонов ва Х. Мукашев Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан,

Э. Мамасодиқов, Н. Пикалкин, Х. Холлиевлар «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотландилар.

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР ВА ЁРҚИН ИСТИҚБОЛЛАР

Хоразм сув ҳўжалигида эришилган улкан ютуқлар область қишлоқ ҳўжалигини, хусуса, пахтачиликни жадал тараққий эттиришга, қишлоқ меҳнатчиларининг турмуш фаровонлигини оширишга жуда катта самарали таъсир кўрсатди. Ҳозирги вақтда область қишлоқ ҳўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фонди 400 млн. сўмдан ошди. Бу 1965 йилги даражадан тўрт баробар кўп демакдир. Фан-техника тараққиёти жараёнида қишлоқ ҳўжалик меҳнатини механизациялаш даражаси ҳам ошди. Ҳозирги вақтда область далаларида 10 мингга яқин трактор, 1600 дан ортиқ пахта териш машиналари ва 400 га яқин комбайн ишлаб турибди.

КПСС ленинча аграр сиёсатининг, хусусан, ерларни мелиорациялаш программасининг изчиллик билан амалга оширилиши Хоразмда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, айниқса, пахта, дон, полиз ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш имконини берди. 1977 йилга келиб областда суғорилаётган майдон 174 минг гектардан ошди. Шундан 103,7 минг гектарига пахта ва 19 минг гектарига дон экилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумидаң кейин ўтган давр ичида область қишлоқ ҳўжалигининг ялпи маҳсулоти 1,4 баробар ўсди. Область ҳўжаликлари шу давр мобайнида давлатга 5 миллион тоннага яқин юқори сифатли пахта топширдилар, бу шундан олдинги ўтган 40 йил ичида етиштирилган пахта миқдорига тенгдир. Областда ялпи ҳосил асосан ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига кўпайди. Кейинги ўн икки йил мобайнида пахта ҳосилдорлиги гектарига 34 центнердан қарийб 41 центнерга етди. Хонқа районида пахта ҳосилдорлиги гектарига 43,2 центнерга етди. 56 колхоз гектаридан 40—50 центнер, 21 бригада эса 50—60 центнер пахта ҳосили етиштирди. Ерлар ҳосилдорлигини оширишда сўнгги йилларда суғориш ва мелиорация соҳасида ўтказилган тадбирлар жуда муҳим роль ўйнади. Шу билан бирга қишлоқ ҳўжалигини химиялаш ўз самарасини берди. Қишлоқ ҳўжалигига минерал ўғитлар етказиб бериш кескин кўпайди. 1977 йилда область қишлоқ ҳўжалигига етказиб берилган ўғитлар миқдори 1965 йилги даражадан 1,5 баробар ошди ёки 324 минг тоннага етди.

Суғориладиган ерларнинг унумдорлигини оширишда алмашлаб экиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Кейинги йилларда областда суғориладиган экин майдонларининг кенгайиб бораётганлиги алмашлаб экишни кенг жорий қилиш имконини берди. Алмашлаб экиш пахта ҳосилдорлигини оширишнинг, озиқ базасини мустаҳкамлашнинг зарурий шартидир. Областда ҳозир барча ер майдонининг 36 процентиди алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилди.

Ирригация ва мелиорациянинг шарофати туфайли дон экилаётган майдонларда ҳам ҳосилдорлик муттасил ошиб бормоқда. Масалан, областда 1977 йилда етиштирилган доннинг ялпи миқдори 1965 йилга нисбатан 7 баробар кўпайди ёки 115 минг тоннага етди. Областда шoliчилик тез ривож топмоқда. Кейинги 12 йил мобайнида ялпи шoli ҳосили 5 баробар кўпайди. Область шoliкорлари 1978 йилда улкан муваффақиятга эришдилар. Юқорида айтганимиздек, шoli етиштириш 78 минг тоннадан ошиб кетди. Бу 1977 йилдагидан 4 минг тонна кўпдир. Ҳосилдорлик 1977 йилда 51 центнерни ташкил этган бўлса, 1978 йилда 52,6 центнерга етди. Унинг беш йилликнинг охирига бориб, ялпи шoli ҳосилини 109 минг тоннага, келгусида эса 130 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун келгусида Хоразм территориясида янги ўзлаштириладиган майдонларда яна 5 та ихтисослашган совхоз барпо этилади.

Суғориш ва мелиорация шохобчаларининг тартибга келтирилганлиги областда нисбатан ёш тармоқ ҳисобланган балиқчилик хўжалигининг юксалишига бевосита кенг йўл очиб берди. Балиқчилик комбинати давлатга 1975 йилда 7640 центнер, 1976 йилда 10 минг центнер, 1978 йилда бўлса 15 минг центнер балиқ маҳсулотлари тайёрлади.

«Мелиорацияни комплекс ривожлантириш тадбирларининг амалга оширилиши,— деган эди Ш. Р. Рашидов,— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини кескин кўтаришга имкон берди, қишлоқда чуқур социал-иқтисодий ўзгаришлар яшашга олиб келди»¹. Хоразм областида амалга оширилган ишлар бу фикрнинг ёрқин далилидир. КИСС Марказий Комитетининг март (1965 й.) Пленумидан кейин ўтган давр ичида областда қишлоқ қурилиши ташкилотларининг ишлаб чиқариш

¹ «Совет Ўзбекистони», 1978 йил 18 май.

базаси ривожланди. 1965—1977 йилларда область қишлоқларида 2 млн. 410 минг кв. метр ҳажмда турар жой бинолари қурилди, 86 минг ўринли мактаблар, 14 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, кўплаб клублар, кутубхона, медицина муассасалари, савдо ва бошқа объектлар ишга туширилди. Областнинг кўпчилик колхоз ва совхозларида обод, кўркем посёлкалар қад кўтарди. Бу посёлкаларда яшовчи аҳолининг турмуш маданияти шаҳарликларникидан кам фарқ қилади. Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли, Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли, Хива районидаги Фрунзе номли колхозларнинг ҳамда ал-Хоразмий номли шолчилик совхозининг обод посёлкалари бунинг яққол далилидир. «Хоразм область Боғот районидаги Нариманов номли колхозда,— деган эди Ш. Р. Рашидов,— ...колхозчиларнинг маданий-маиший турмуш шароити жиҳатидан... шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим таффовутларнинг йўқолиб бораётганлиги яққол кўриниб турибди. Колхозга кириб борганингда бежиримгина чиройли ва шинам шаҳарчага кириб бораётгандек бўласан киши»¹. Облаstda бундай хўжаликлар борган сари кўпайиб бормоқда.

Область қишлоқ хўжалигининг юксак марраларга кўтарилишида, аҳоли моддий фаровонлиги ва маданий турмуш даражасининг юксалишида сув хўжалиги бунёдкорларининг ҳиссаси катта. Келгусида пахта, дон, полиз маҳсулотлари, мева-чева етказиш янада кўпайтирилади. Ўнинчи беш йиллик охирига бориб, областда 435 минг тонна пахта етиштирилади. Дон етиштириш ўтган беш йилликка нисбатан 2 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 2,2 баробар, гўшт етиштириш 2,5 баробар кўпайтирилади. Бунинг учун областда деҳқончилик маданиятини ошириш ва янги ерларни ўзлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар янада жадаллаштирилади. Айниқса, улкан ирригация, мелиорация ва агротехника тадбирлари комплекси амалга оширилади.

Шунингдек, яқин йилларда Туямўйин гидроузели қурилиши тугалланади, барча суғориш шохобчаларини реконструкциялаш, каналларнинг қирғоқларини бетонлаштириш, янги суғориш шохобчаларини қуриш ишлари ҳал этилади. Келгусида суғориш системаларини бош-

¹ Ш. Р. Рашидов. Совет Ўзбекистони, Т., «Ўзбекистон» нашриёти, 1978, 84-бет.

қаришни тўла автоматлаш ва механизациялаш ниҳоясига етказилади. Натижада хўжаликлар, районлар ва системалар орасида сув тақсимоли махсус ҳисоблаш маркази орқали бошқариладиган бўлади. Бу келгусида сувдан оптимал ва самарали фойдаланишни таъмин этади. Буларнинг барчаси область экономикаси ва маданий ҳаётининг келгусида янада юксак марраларга кўтарилиши учун имкон яратади.

Хоразм воҳасида, умуман Амударё этакларидаги районларда сув таъминотини яхшилашда Туямўйин гидроузели алоҳида аҳамиятга эга. Гидроузелнинг халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди бу иншоот қурилишини янада жадаллаштириш вазифасини ўртага қўйди. Туямўйин гидроузели Иттифоқдаги энг йирик, мураккаб гидроиншоотлар комплексидан иборат. Гидроузел комплексига кирадиган сув омбори 7,8 миллиард кубометр оби ҳаётни сақлаш қувватига эга бўлади. Туямўйин ГЭСи эса воҳани арзон энергия билан таъмин этади.

Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган бу улкан гидроиншоот қурилишида тажрибали мутахассис кадрлар, қурувчи, ишчилар ва механизаторлар меҳнат қиляпти. Қурилиш зарур материаллар ва анжомлар, қудратли ер қазини механизмлари ва транспорт воситалари билан таъминланган. Гидроузел қурилишида 35 миллат вакиллари ягона оила аъзоларидек фидокорона меҳнат қиляпти.

Ўтган йиллар мобайнида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 168 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Гидроузел тўғони, ГЭС ва чап соҳил каналлари, ўнг соҳил дамбаси, Султон Санжар сув омбори сингари муҳим объектлар қурилиши тугалланмоқда. Ўнг соҳил канали қардош ҚҚАССР ерларига секундига 200 кубометргача, чап соҳил канали Хоразм воҳасига 500 кубометргача оби ҳаёт етказиб беради.

Туямўйинда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг яна бир муҳим якуни шу бўлдики, кимсасиз қир-адирлар ўрнида гидроқурувчиларнинг қўркам Дружба шаҳри бунёд этилди. Бу ерда қисқа вақт ичида умумий ҳажми юз минг квадрат метрдан ортиқ турар жой бинолари қурилди. 1333 ўринли мактаб, 800 ўринли болалар боғча ва яслилари, 600 ўринли хунар-техника билим юрти, касалхоналар, магазинлар, ошхоналар, кинотеатрлар ва бошқа маданий-маиший

объектлар фойдаланишга топширилди. Шаҳарда ҳозирги кунда минглаб аҳоли истиқомат қилаяпти.

Туямўйин гидроузелининг ишга туширилиши туфайли ярим миллион гектар майдонни сув билан таъминлаш тубдан яхшиланади ва келажакда яна шунча миқдордаги янги ер ўзлаштирилади. Бу эса шу зонада пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини интенсив ривожлантириш борасида область сув хўжалиги ходимлари олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш имконини беради.

АБДУЛЛА САТЛИКОВ

**РАЗВИТИЕ ИРРИГАЦИИ
В ХОРЕЗМЕ**

На узбекском языке

Издательство «Узбекистан» —
1980 — Ташкент 3-700129, На-
вои, 30.

Редактор Б. Шарипов
Техредактор Т. Аббосов.
Корректор М. Мажитхужаева

Теришга берилди 15.10.1979 й. Бо-
сишга рухсат этилди 3.01.1980 й.
Р — 01136. Формати 84×108¹/₃₂. № 2
босма қоғозига юқори босма усулида
босилди. Шартли босма листи 1,68.
Нашр листи 1,65. Тиражи 7491. За-
каз № 1946. Баҳоси 6 т.
«Ўзбекистон» нашриёти, Шартнома
№ 375—79. Тошкент, 3-700129, Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Вайроқ
орденли босмаҳонаси, Тошкент, ГСП,
«Правда Востока», 26.

6 т.

3

Инд. 75409

